

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС САНЪАТИДАГИ МЕРОСИЙ РАҚС ДУРДОНАЛАРИ, УЛАРНИНГ МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Пахрудинова Каромат Пазилдиновна
Ўзбекистон давлат филармонияси

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек миллий рақс санъатининг анъаналари акс этган рақс асарлари, санъатимиз дарғалари, буюк ижрочи санъаткорлар томонидан яратилган рақс намуналри кўриб чиқилиб, таҳлил қилинади. Шунингдек, ушбу рақсларнинг махсус таълим тизимидаги ўрни, уларнинг замонавий таълим тизимида, педагогик фаолияти соҳасида қўлланилиши ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар: миллий рақс, таълим, педагогика, хореография, меросий, қадриятлар, санъат, рақс намуналари

HERITAGE DANCE MASTERPIECES IN UZBEK NATIONAL DANCE ART, THEIR PLACE AND SIGNIFICANCE IN SPECIAL EDUCATION SYSTEM

Pakhrudinova Karomat Pazildinovna
State Philharmonic of Uzbekistan

Abstract: In this article, the dance works reflecting the traditions of Uzbek national dance art, the stages of our art, and the dance samples created by great performing artists are considered and analyzed. Also, the role of these dances in the special education system, their use in the modern education system, in the field of pedagogical activity is described.

Keywords: national dance, education, pedagogy, choreography, heritage, values, art, dance examples

Инсоният тарихида санъат турлари ичида рақс ўзининг энг жонли, таъсирчан, эмоционал, харакатларнинг ифодавийлиги билан ажралиб, ривожланиб келган. Рақс инсон руҳиятига ўзгача бир сеҳрли таъсир кучига эга. Саҳнада мусиқа оҳангларига ҳамоҳанг тарзда ило энгил ҳаракат қилиб хиром айлаётган раққосага кўзингиз тушиши билан қалбингизда ўзгача бир ҳис уйғонади. Агар, рақс аталмиш сирли харакатлар сизни ўз оламига ғарқ эта олса, бу, рақс санъатининг қудратидир.

Рақс, фақат бир миллатга ҳос санъат эмас, балки умуминсоний бадий ижоднинг маҳсулидир. Рақс, санъатнинг бошқа турлари каби, инсон ҳаётини ва

бутун оламини ўрганишнинг бадиий усули ҳисобланади. Рақс санъатининг пайдо бўлиши олис тарихга бориб тақалади.

Ўзбек миллий рақслари ўзгача жозибаси, жилвакорлиги ва ранг баранглилиги билан дунёга маълум ва машҳурдир. Ундаги ҳар бир мактаб ўзига хослиги ва миллийлиги билан ажралиб туради. Ушбу мактабларнинг асл кўриниши ва анъанавийлигини асраб асрлар давомида юксалтириш учун рақснинг аниқ ва тўғри талқин қилинишига риоя қилиш рақс санъатимизнинг тараққий топишида катта аҳамиятга эгадир. Буюк рақс усталари томонидан яратилган тарихий жараёнларни акс эттирувчи, анъана ва урф одатларимизни ифода этувчи, ўзлигимизни намоён қилувчи беқиёс санъат асарларини миллий рақс санъатидаги авлоддан авлодга ўтувчи мерос сифатида қадрлаб, асраб авайлаб асл ҳолатида ижро этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек миллий сахнавий рақси тараққиётида Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Исахор Оқилов, Гавҳар Раҳимова, Қундуз Миркаримова, Розия Каримова ва бошқа ўнлаб рақс усталарининг, “Баҳор”, “Шодлик”, “Лазги” каби ансамблларнинг хизмати катта. Балетмейстерлар ва бастакорларнинг саъй-ҳаракати билан ўнлаб яқка тартибда ижро этиладиган ўйинлар, дуэтлар, оммавий рақслар мамлакатимиз ва жаҳон томошабинларининг бир қанча авлодини мафтун этиб, ўзбек рақс санъати заҳирасидан жой олди. “Тановар”, “Муножот”, “Катта ўйин”, “Баҳор”, “Пилла”, “Пахта”, “Лазги”, “Дилхирож”, “Чўпон ўйин”, “Наманганнинг олмаси”, “Андижон полкаси” ва бошқалар шу жумладандир. Улар мумтоз рақсларга айланган. Шу асосда раққос ва раққосаларнинг бир қанча авлоди камолга етди. Рақс услублари, маҳорат асослари, ҳаракатлар силсиласи авлоддан авлодга ўтиб, яшаб келмоқда.

Хореография соҳасидаги педагог ўз фаолиятида миллий рақс намуналарини амалий қўллаш олган уларни характери, эмоционал, хиссий кечинмаларини хис қила оладиган маҳсул мутахассис бўлиши муҳимдир. Хореография соҳасидаги таълим ўз ичига нафақат назарий билимларни, аксарият амалий билимларни ҳам олади. Бунда назарий билим, маълумотлар амалиётда асосланиб дарс берилади. Амалий малакага эга бўлмаган педагог, талабанинг ҳаракат бажариш жараёнидаги хиссиётларини тўғри баҳолай олмаслиги мумкин. Чунки малакавий фаолиятда рақс ижро этганда инсон нафақат ҳаракатларнинг аниқлиги ва тўғрилиги, балки, унинг эмоционаллигини ҳам монанд тарзда ифодалайди.

Рақс санъатини бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришларга мос ҳолда ривожлантириш, миллий рақснинг турли йўналиш ва намуналарини, мамлакатимизнинг турли минтақаларида шаклланган мумтоз рақс мактабларини қайта тиклаш ва келажак авлодга безавол етказиш ҳамда бу борадаги таълим-тарбия, тарғибот ишларини кучайтиришни тақозо

этмоқда. Шу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги 4584 сонли қарорига асосан,

- Ўзбекистонда рақс санъатини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижодий мактабларга хос моҳир балетмейстерлар, балет артистлари меросини тиклаш;

- миллий рақс санъатининг мумтоз ва замонавий ижро намуналари “олтин фонди” ни яратиш;

- халқимиз, хусусан ёш авлодни миллий рақс санъати ҳақидаги назарий ва амлаий билимлар билан таништириш орқали уларнинг онгида миллий ўзликни англаш, аждодлар меросига хурмат туйғусини, юксак бадиий эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш;

- рақс ва хореография санъати соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этишда иштирок этиш, истеъдодли ёш балетмейстерларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш¹ каби рақс санъатига оид мақсадли вазифалар белгиланган.

Ҳозирги замон кадрлари ҳаётимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг асосий иштирокчиларидан бири бўлиб, у ҳар томонлама етук, чуқур билимга эга, Ватани ва халқига содиқ мутахассис маҳорати ва лаёқатига эга бўлган, жамиятдаги ҳамда касб вазифаларини яхши билган шахс бўлиши зарур. Шу сабаб мазкур мақолада рақс санъати мутахассисларининг махсус фандан педагогик амалиётида меросий рақс дурдоналарини тўғри қўллай олиши, кадриятларимизни асраб авайлаган ҳолда асосли билим бериши миллий рақс санъатининг тарққиётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбек миллий рақс санъатида шубҳасиз устоз санъаткорлар Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Юсуфжон Қизиқ Шакаржоновларнинг ўрни беқиёсдир. Устозлар бунёд қилган санъат йўлини билган педагог ёш авлодга уни тўғри етказа олади ва мустаҳкам асос яратади.

Уста Олим Комилов созанда, балетмейстер, ўзбек рақсининг асосчиларидан биридир. Уста Олим “Уста” деган шарафли унвонни қачон олганлигини эслай олмасди. У халқдан чиққан ва бутун ижодий фаолиятини, ҳаётини халқ санъатига бағишлаган инсон.

Уста Олим Комилов кўпроқ Юсуфжон Қизиқ Шакаржонов билан ҳамкорликда ишлади ва бу ҳамкорлик доирачига театрлаштирилган рақсни чуқур ўрганишда катта ёрдам берди. Бу санъаткорлар бадиий хаваскорлар тўғарақларини ташкил этишда катта рол ўйнади. Бу тўғарақларнинг кўпчилиги ҳозирги профессионал театрлар учун асос бўлган. 1926 йилда Муҳиддин Қори Ёқубов ташкил этган фольклор-этнографик концерт труппасига қабул қилинган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.02.2020 й. ПҚ-4584-сон "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори

ва Тамарахоним билан ижодий ҳамкорликда “Катта ўйин”, “Пилла”, “Гул ўйин”, “Садр”, “Занг” каби қадимий ўзбек рақсларини саҳналаштириб, уларнинг айримларини раққосалар дастаси ижросига мослаштирди. 30 йилларда Уста Олим унутилган халқ усулларини тўплаш устида иш олиб борди ва изланишлари самараси ўлароқ “Доира дарси” ва Кўш қарс” деб номланган тўпламларини яратди.

“Доира дарси” туркуми 5 қисмдан иборат бўлиб ҳозирги кунга қадар хореография соҳасидаги ҳар бир педагог учун бекиёс қўлланмадир. Рақс санъатига махсус билим олиш учун қадам қўйган ҳар бир ўқувчи-талаба ушбу рақс туркуми ҳаракатларини аниқ ўзлаштириши ва ўрганиши лозим. Бу ҳар бир профессионал раққоса учун келажакдаги асос, яъни мустаҳкам манба сифатида хизмат қилади. “Доира дарси” даги ҳаракатлар ўзбек миллий рақсининг асосий ҳаракатлари саналади.

“Катта ўйин” рақси кўплаб рақс композицияларнинг асосий қисми бўлиб хизмат қилади. Фарғона водийсида энг оммалашган бу - "Катта ўйин" номи билан кенг тарқалган рақсдир. Хореография таълими тизимида ушбу рақс фарғона рақс мактабининг юксак намунаси ҳисобланади.

“Катта ўйин” да сюжет йук, у ўнлаб ритмик фигуралар - усуллардан иборат, уларнинг ҳар бири алоҳида маънога ва муайян ҳаракатлар мажмуига эга. Кўп ҳолларда улар муайян усулнинг ҳиссий моҳиятини ва кайфиятини ифодалайди.

Л.Авдеевнинг ёзишича, усулларнинг номланиши ва эмоционал образлилиги шундан далолат берадики, "Катта ўйин" ўз тарихига эга бўлган, ҳаракатнинг шоирона ифодаси билан ҳаёт ҳақида мулоҳаза юритадиган рақсдир. Кўп асрлик умр кечирган бу рақс бир пайтлар мадхийлар ва мотам қўшиқлари, романлар қиссалар тўплами бўлганлигини билдиради².

“Катта ўйин” рақси ҳақида кўплаб рақс усталари ва санъатшунос олимлар фикр юритишган. Ҳозирда ҳам ижро этилувчи бу рақс қадимда бутун бир спектаклга тенг бўлган деган тасаввур уйғонади.

Л.Авдеева “Ўзбек миллий рақс тарихидан” китобида Фарғона рақс туркумига кирувчи айнан шу рақс “Катта ўйин” ҳақида кизиқарли маълумотлар келтирган.

Олима шундай ёзади, “Ўзбек хореографиясининг энг катта вакили Юсуфжон кизик ва бошқа усталарнинг қайд этишича, “Катта ўйин” Искандар давридаёқ (Эрамиздан олдинги) мавжуд бўлиб, у пайтларда у 280 усулдан ташкил топган. Ўзбек хореографик меросининг билимдони бўлган шоир Хислат "Катта ўйин"ни ҳеч нарсасини ўзгартириб бўлмайдиган ягона асар сифатида таърифлайди. 19 асрнинг иккинчи ярмида рақс санъати усталарининг берган

² "Л.Авдеева. Ўзбек миллий рақси тарихидан. Тошкент: М. Турғунбоева ном, "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси, 2001 й, 676.

маълумотларга караганда, “Катта ўйин”ни таникли раққосалар ижро этишган. “Катта ўйиннинг ҳар бир усулини ижро этиш учун муайян рангдаги либослар бўлиб, рақс майдони яқинида раққослар кийимини тез ўзгартириб олишларига имкон бўлиши учун ёрдамчилар либос кўтариб юрган экан”.³

Рақслар туркумига мурожаат қилсак. Ҳар бир рақсдаги имо ишора маълум бир маънога эга бўлиб, муайян бир функцияни бажаради. “Катта ўйин” Рез усули билан очилади. Тадқиқотларда кўрсатилишича, бу усулни Дилдир, яъни Томчилар⁴ деб ҳам аташади. Доира оҳанглари сачраб турган минглаб томчи доналарини эслатади раққос оҳангга мутаносиб равишда майда қадамлар билан йўрғалаб кетади.

“Катта ўйин” материалларидан тузилган Фарғона-Марғилон аёллар рақслари аёлларга ҳос назокатни алоҳида бўрттириб кўрсатади. Раққосага қўлни баландга кўтаришга йўл қўймайдиган “Нигоҳ қонуни” айнан шу ҳудудда пайдо бўлган бўлса керак. Бунинг устига, эркаклар бошини мағрур кўтариб турса, аёллар бошларини бироз солинтириб, нигоҳларини қўл учи билан тўсиб турган.

“Катта ўйин” оммавий рақс кўринишида ижро этилиб, қизлар бу рақсда ўзига ҳос мағрурликни, аёлларнинг ўзига нисбатан иззат-хурматини намоён қилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган “Нигоҳ қонуни” бу рақсда яққол кўзга ташланади. Раққосалар ҳатто баланд қўл ҳаракатларини ифода этган ҳам нигоҳларини пастга қаратиб ижро этганлар. Бироқ, бу билан рақсдаги мағрурлик йўқолиб кетмаган, балки бундай ёндашиш рақсга қандайдирисирлилик, статика баҳш этган. Рақсда ўзбек аёлларининг мартабаси, кадр-қимматини акс эттирувчи фазилятлар ҳаркатлар билан уйғунлашиб ўзгача жозиба таратади.

“Катта ўйин” усулидаги рақслар ҳар бир профессионал рақс ансамбли дастурида ўрин олган бўлиб юқорида айтиб ўтганимиздек фарғона рақс мактабининг асл намунаси ҳисобланади. Педагогикада рақс санъатининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Миллатнинг маданияти даражасини унинг санъати ва манъавияти мавқеига қараб илғаш, баҳолаш мумкин. Маънавий қадриятларига эътибор қай ҳолатда эканлиги ўша миллат санъатининг савияси намоён этиши мумкин. Санъатлар ичида рақс санъати ўзининг маънавий, руҳий ифодавийлиги, нафосат, гўзаллик, завқ баҳш этувчи санъат тури бўлганлигининг ўзи унга эътибор нақадар муҳим эканлиги аҳамиятлидир.

Рақс-бу юраги оловдай алангали ёнган, ички туйғуларини ифода этишга уринган қалбнинг тана орқали гўзал ҳолатда намоён бўлиш санъатидир.

³ "Л.Авдеева. Ўзбек миллий рақси тарихидан. Тошкент: М. Турғунбоева ном, "Ўзбекракс" миллий рақс бирлашмаси, 2001 й, 686.

⁴ "Л.Авдеева. Ўзбек миллий рақси тарихидан. Тошкент: М. Турғунбоева ном, "Ўзбекракс" миллий рақс бирлашмаси, 2001 й,

Шундай гўзал ҳолатни намоён қилувчи, эмоционал Ўзбек мусиқий-рақс санъатида Фарғона минтақаси аёллари ижодиёти жанрларидан бири ҳисобланмиш “Тановар” ашуласи ва рақси кенг тарқалган.

Фарғона рақси ўзига хос услубда “Тановар” нинг кўп сонли ашула вариантларидан бирортасини айтаётган аёл кўшиғи жўрлигида ижро этилган. Шу ном билан аталган кўшиқ-рақсларни ичкарида, аёллар бўлмасида дунёга келган алоҳида жанр деб ҳисоблаш керак.⁵

Матни, айниқса оҳанги инсоннинг абадий соғинчларини, пинҳона умидсизлигини, қалб доғини ифодаловчи кўшиқлар ҳозирги кунда деярли унутилиб юборилган, лекин улар ханузгача мавжуд.

Фарғонача Тановар кўшиқ рақси- жуда ноёб интим жанр: ҳар худудда ҳар бир раққоса ўзининг рўёбга чиқмаган орзуларини кўшиқ қилиб айтиб рақс тушган. Битмас-туганмас қайғуни умид нурлари ёритади ва у хаста дил орзусига айланиб боради⁶.

Бугунги кунда “Тановар” ўзбек санъатининг асл мумтоз хореографияси бўлимидан жой олган. Мукаррама Турғунбоевнинг “Тановар”и бахт, севган ёри ҳақидаги орзуларга, яъни рўёбга чиқиши керак бўлган орзуларга бағишланган. “Тановар”ни Мукаррама опанинг чинаккам шох асари десак муболаға бўлмайди. “Тановар” рақси ўтган йиллар мобайнида кўплаб маҳоратли ва мстеъдодли раққосалар томонидан ижро этиб келинмоқда.

Хореография академиясида “Тановар” рақси ижро услубиёти алоҳида эътибор билан ўрганилади. Чунки, ўз тарихини билмаган ёш авлод келажакка назар солишда асосли фикрлаши бироз қийинроқ бўлади. “Тановар” эса миллий рақсимизнинг тарихи, асосидир, ўзбек аёлларининг ўтмишидир. Бу хореографик таълимда ўрганилиши керак бўлган заруриятдир.

Махсус таълим тизимида мавжуд бўлган рақс мактабларидан яна бири бу Бухоро рақс мактабидир. Ундаги рақслар ўз салобати, мағрурлиги, таровати, техник жихатдан мураккаблиги билан ҳам ажралиб туради. Бухоро рақс мактаби намуналаридан бири бўлган “Гулдаста” рақси ўзбек миллий рақс санъати олтин фондидан ўрин олган бўлиб, атоқли санъаткор, балетмейстер, юксак ижодкор Исахор Оқилов томонидан саҳналаштирилган.

“Гулдаста” кизиқарли ва мароқли доира усулларига энг аввал тўрт нафар раққоса қизга мослаб саҳналаштирилган.

⁵ "Л.Авдеева. Ўзбек миллий рақси тарихидан. Тошкент: М. Турғунбоева ном, "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси, 2001 й,85б.

⁶ "Л.Авдеева. Ўзбек миллий рақси тарихидан. Тошкент: М. Турғунбоева ном, "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси, 2001 й,85б.

Бу рақсда кизларнинг гулларга қиёсланиши ва ҳар бир гулнинг ўз жозибаси, ифори, хушбуйлиги, ўзига хос хислати бўлишини кизлар рақс мимиқа орқали тараннум этиб, "гулдаста"ни ҳаракатлари, пластика ва ифодалаб ижро қилишади.

Рақсдаги раққосалар рақс тушаётганларида томошабинларни ўзларининг ноёб темпераменти ва ички маънавий қудрати билан қойил қолдиришади. Лекин гир айланишлар кутилмаганда ажабтовур ҳолатда қотиб қолишлар пайтида ҳам, қўлларни олдинга узатиб, тирсақдан букилган ҳолда кескин ҳаракатлар бажаришаётганларида ҳам гўзал ва назокатли бўлиб қолаверишади.

Бу рақс сокин, босик, нозик, баъзида тўхтаб, қотиб қоладиган ҳаракатлар билан бойдир. Айниқса, иккинчи қисмидаги шартли-мажозий тарқалишдан сўнг чирпиракдай айланиб, тиззалаб ўтириб, рамзий усулда орқага гул мисоли эгилган ҳолатда бир муддат қотишади. Бу ҳаракат рақснинг кульминацион қисмидир. Шу кутилмаган ҳолатдан томошабинлар руҳланиб қарсақлар билан олқишлашади. Кейин кизлар аста-секинлик билан кўтарилиб, шиддатли, кескин ва бетакрор ҳаракатларга ўтишади. Ҳар бири чархи миён, илон бажариб, айланиш, тепмали айланиш (2/4), доира бўйлаб айланиш каби трюкларни маҳоратларини намоиш қилишади. Сўнгра бир томнга доирачилар олдига йиғилиб, шиддатли, ихчам, оҳиста оқсаш қадамлари билан қаддиларинибироз орқага ташлаб, қўллари билан хайрлашаётгандек саҳнани тарқ этишади. Бунда томошабинлар доим қийқириқлар ва олқишлар билан кузатишади. Рақс узоқ йиллар давомида профессионал ансамбллар дастурларини ўзининг серзавқ ва дилга ёқадиган гўзал ҳаракатлар динамикаси билан безаб келмоқда. Оммавий байрамлар, тадбирларда ижро этиб келинади.

Хореография таълим тизимида ҳам "Гулдаста" рақси амалий ўрганилиб тадбиқ қилинади. Бу рақсда Бухоро рақс ҳаракатларининг пластикаси, тезлиги, характери босқичма-босқич узвий кетма-кетликда моҳирона, шу билан бирга содда, қулай ифодавий саҳналаштирилган. Бу эса рақс педагогикасида ўртатиш услубиёти учун қўл келадиган катта манбадир. Келажак авлодга маҳсус рақс билимини беришда бундай ёндашиш муҳимдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек рақс санъатидаги меросий дурдоналарга айланган рақсларни хореография таълим тизимида маҳсус билим бериш жараёнларида батафсил, чуқур ўрганиш, уларни рақс ҳаракатлари тизимида тўғри қўллай олиш, келажак авлодга асл ҳолатида етказиш миллий ғурур уйғонишига ва кадриятлар авайланишига негиз яратади. Шунингдек, миллий рақсимизнинг асосли ўрганилишига пойдевор бўлиб хизмат қилади. Умид қиламизки, олтин меросдан ўрин олган рақсларимиз ҳар даврда миллий рақс санъатимиз кўрки бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. "Л.Авдеева. Ўзбек миллий рақси тарихидан. Тошкент: М. Тургунбоева ном, "Ўзбекракс" миллий рақс бирлашмаси, 2001 й,
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.02.2020 й. ПҚ-4584-сон "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори